

КАРИМАХОН ЙЎЛДОШЕВА

ЮРАГИМДА ҚОЛГАНИМ

ШЕЪРЛАР



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ўзб)7

Й - 69

– Ўзб. адаб.

Йўлдошева, Каримахон

Юрагимда қолганим: шеърлар/ К.Йўлдошева. – Т.: Янги аср авлоди, 2013. – 56 б.


ISBN 978-9943-27-155-5

Шеър йўли – узун йўл. Бу йўлга тушган киши борки, қалби-га қулоқ тутди, фақат яхшилиқни ўйлайди. Қўлингиздаги муъжазгина китобча муаллифи ҳам эзгу орзу-умидлар илн-жида орамизда яшаётган бедор қалбли бир замондошингиз. У бир сатр битгунича минг сатр ўқийди, ҳали Яссавийнинг «Ҳик-матлар»идан, ҳали Машрабнинг дилни ўртар ғазалларидан айтади. Қалбини ўртаётган туйғуларни қоғозга туширмагуни-ча тинчимайди.

«Юрагимда қолганим» – Каримахон Йўлдошеванинг иккин-чи шеърий тўплами. Шеърий гулдастани қўлга олар экансиз, шоиртабиат бир аёлнинг ўй-ташвишлари, хаёллари сизга ҳам бегона эмасдек туюлади. Келинг, яхшиси, бу гулдастанинг ифоридан ўзингиз баҳра олинг.

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ўзб)7



Ю 42191
0

ISBN 978-9943-27-155-5

© Каримахон Йўлдошева, «Юрагимда қолганим». «Янги аср авлоди», 2013 йил.

МУСТАҚИЛЛИК БОШИНГДА ОФТОБ

Уни жондан суймоқлик – шараф,
Уни деб жон койитмоқ бахтдир!
Ватан бизга муқаддас кўргон,
Ватан меҳри – энг олий тахтдир.

Ватан – она, оқ сутин оқлаб,
Ўз бурчингни ёдингда сақлаб.
Яшай билсанг, у ҳам онангдек
Меҳрин берар бошингни силаб.

Озми-кўпми умринг давоми,
Ҳар бир ишинг қилгин сарҳисоб.
Эл-юрт учун қандай иш қилдинг –
Мустақиллик – бошингда офтоб.

Кўряпсанми, бахт куёшини,
Бахтли, озод инсондек яша!
Болам, она-Ватан бағрида
Жилға бўлма, уммондек яша!

БИР ФАРЗАНД МИСОЛИ

Ватаним, гардингни кўзимга суртгум,
Ишқинг-ла иймонни табаррук қилдим.
Минг бор ташаккурим, бағрингга олдинг,
Ардоғинг онамнинг меҳри деб билдим.

Бир қултум сувингга чексиз таъзимим,
Танамда жон борки, шукр қилгайман.
Ғунчадек очилур дилда эҳтиром,
Ватан, сен яғонам дея билгайман.

Бир фарзанд мисоли чўзганча қўлим
Бир кунлик туз ҳақинг этолсам адо.
Минг бор ташаккурлар дердим тақдирга,
Шоиста ўлмоқлик шараф ва қафо.

ВАТАН МЕҲРИ

Сенинг меҳринг билан ҳар доим бўйим кўкларга
етгайман,
Сенинг ишқинг билан ҳар дам ёниб васлингга
етгайман.

Сенсиз дилимда йўқ ором, шаксиз ўзга йўқ дилором,
Кечалар юдуз ўзинг, кундузим сен деб билгайман.

Сенинг-ла ушалгай армон, Ватан, сен дардимга дармон,
Зикринг-ла яшайман ҳар он, номинг улуғлаб ўтгайман.

Ёдингсиз он йўқ хонамда, ҳаёт йўқ ўзга ватанда,
Сенга ишқим-ла яшайман, меҳрсиз жонни нетгайман!

Карима, чекма оҳ ҳар дам, ишқ ила ошuftа дилсан,
Меҳрим Ватан бирла ҳар дам, мурод-мақсадга
етгайман.

БУРЧ

Сенга меҳрин берган кўпмикин, ё оз,
Тупроғинг йўлимда ҳар дам пояндоз.
Парвозга шошилсам, қанот оқ қоғоз,
Фарзандлик бурчимдир, Ер менинг онам.

Иш билан ҳаётинг ҳар ерда ўтсин,
Она Ер қадрин бил, бунга не етсин!
Кунглинг ёруғликда майсадек ўссин,
Тан олиб яшагин, Ер сенинг онанг.

Ўзга юрт мевасин ўзга таъми бор,
Ҳамма мусофирнинг дилда ғами бор,
Бу тўкис дунёнинг баъзан ками бор,
Тан олиб яшагин, Ер сенинг онанг.

Ибрат ол, Бобурнинг руҳини шод эт,
Кел, ҳасрат тоғини ўзинг барбод эт.
Карима, бир парча еринг обод эт,
Тан олиб яшагин, Ер сенинг онанг.



ВАТАН

Тупроғингни кўзга суриб юрибман –
Сен менга онамдек, отамдек азиз.
Бугун ўз сўзимда дадил турибман,
Сен менга бу ёруғ оламдек азиз.

Тупроғинг кўзимга суриб юрибман –
Ҳар бир қарич еринг кўзга тўтиё.
Сенинг меҳринг ҳар бир қалбни ёритар
Қуёш ер юзига сочгандек зиё.

Тупроғинг кўзимга суртиб юрибман –
Мен бир дилга оташ тушган қизингман.
Кўкка боқсам, тунлар олам ёришар,
Юлдузларинг ичра бир юлдузингман.

Тупроғинг кўзимга суртиб юрибман –
Юрган йўлларимда ўзинг таянчим.
Ўзинг тоғдек баланд гурурим менинг,
Ҳар қачон бўларсан ўзинг суянчим.

Тупроғинг кўзимга суртиб юрибман –
Жаннат ифорини туяди қалбим.
Сен менга онамдек азиз ошёнсан,
Сени икки дунё суяди қалбим.

ОНАМ ЁДГА ТУШАР

Онам гапни мақол билан бошларди,
Аччиқ гапни ширин қилиб сўзларди.
Тоғ қулашин тоғ кўтарар, дейдилар,
Бир сўзида юз маънони кўзларди.

Онам гапни мақол билан бошларди,
Оққўнгил-да, баъзан кўзин ёшларди.
Бу дунёнинг синовига енгилмай,
У олдинга қараб қадам ташларди.

Ўлтирибман сувга тушим айтганча,
Шу кўмларда нилуфаргул унсайди.
Мен райҳоннинг бўйларига маст бугун,
Нима қилай, онамни дил кўмсайди.

Ёдга тушар ўтган кунлар, болалик,
Беозорим, камсуқум ва содда аёл.
Ундан бунинг боисини сўролмадим,
Бугун мени ўйлантирар мингта савол.

У ширинсўз, сўзин бугун дил кўмсайди,
Кўнгли дарё онагинам бор бўлсайди.
Шу хаёллар менга мадад берар доим,
Ёди билан ҳаётимга нур тўлсайди.

УНУТМОҚ МУШКУЛ

Куйласанг гар Боёвутнинг созида
Маҳдиё бўл қушлари парвозига.
Кейин жўр бўл ошиқлар овозига,
Бир қадим қўшиқ бор, унутмоқ мушкул.

Қўлга олсанг Боёвутнинг созини,
Куйла унинг ўрдагини, розини.
Қўшиққа сол ҳатто қиши, ёзини,
Ахир, табиатни унутмоқ мушкул.

Кетди ғўрлик Боёвутнинг куйидан,
Келди ҳурлик тор кўчанинг бўйидан.
Энди ғамлар кетаётир ўйидан,
Болалик кунларни унутмоқ мушкул.

Ўйлай-ўйлай тақдир ўтар, савдо-да,
Куйлай олмай умринг ўтди ғаврода.
Энди бир-бир эсаётир шаббода,
Кўрган кунларингни унутмоқ мушкул.

Куйласанг гар Боёвутнинг созида,
Таърифнинг бор бугун элнинг оғзида.
Барака бор бир мисқоли, озида,
Сен шуни унутма!
Унутмоқ мушкул...

ДЎСТИНГИЗ БЎЛАЙ

Чорраҳада ёлғиз турибман,
Дўстим! Келинг, дўстингиз бўлай!
Яхши дилдош излаб юрибман,
Дўстим! Келинг, дўстингиз бўлай!
Эгилсангиз, қўлим кўксимда,
Суянсангиз, қоя бўлайин.
Йиқилсангиз, қўлингиз тутиб,
Жон дўстингиз ўзим бўлайин.
Сиздан ёрдам сўрамайман ҳеч,
Бахтли бўлиб яшашим учун.
Кўнглим тўқдир, устим ҳам бутун,
Сиздан кўнгил сўрашим мумкин.
Фақат сизга зор бўлган ўзим,
Келмасангиз нигорон кўзим.
Кўнглингизга хуш ёқсин сўзим,
Дўстим! Келинг, дўстингиз бўлай!
Мен кўнгли кенг, оқкўнгил ўзбек,
Етаклайман бўстонларимга.
Сиз ёнимда бўлсангиз агар
Қўл силтайман армонларимга.
Мен Ватанни севаман дилдан,
Халқим азиз, жонимдан ортиқ.
Дўстлигимиз булса кўнгилдан,
Балки, жоним қилгайман тортиқ.
Келинг! Дўстим, Сиздан умид бор,
Чорраҳада турибман такрор...

КУЙ СЕҲРИ

Новдада сайрайди хушовоз булбул,
Олис манзиларни кўзлагандир ул.
Ҳеч кимса солмагай қалбига ғулу,
Босган изларидан унаётир гул.

Новдада сайрайди хушовоз булбул,
Наво қуйилади мажнунтол мисол.
Қалблари ўчоғу сўзлари олов,
Таърифин қилганлар топмишдир иқбол.

Новдада сайрайди хушовоз булбул,
Маърифат ўчоғин остонаси ул.
Маъно қуйилади туйғуларидан,
Куйларин тинглаган дил бўлади қул.

Новдада сайрайди хушовоз булбул,
Элга тутар куйларида даста гул.
Булбулим куйларин тинглаганимда
Мисоли оловда тобланар қўнгил.

ИШОН

Олис-олисларда гузал манзара,
Мусаввир чизолмас суратга қара.
Тонгда бир кўринар бу нодир асар –
Кулиб келаётган қуёшга қара.

Тушун, ғаниматдир шундай яхши кун,
Ҳеч ким бўлган эмас дунёга устун.
Қайта танияпсан бутун борлиқни,
Балки, умрингдаги азиз кун бугун.

Олис-олисларда болалик қолган,
Ўн беш кунлик ойдек қайга йўқолган.
Дунёда борлигинг ёдингга солган,
Яшашга чорлаган қуёшга қара.

Соддадил кўнгиллар сойлардан ўтиб,
Софдилликка етар минг сирни ечиб.
Тоза нафас билан, ғафлатдан кечиб,
Қуёш чиқишига термулиб қара.

Олис-олисларда гўзал манзара,
Тоғда эриётган қорларга қара.
Оқ қорлар ёққанда излар йўқолди,
Ўнут бўлгандайин эди хотира.

Ана, кулиб боқиб бахт келди, ишон,
Сенга териб келган гуллари сара.
Агар келажакка ишонгинг келса,
Порлаб чиқаётган қуёшга қара!

СИЗНИ ДЕБ

Сизсиз Боёвутнинг гуллари сўлди,
Сизни деб юрагим ойнадай синди.
Васлга етай деб ғайри кўз кулди,
Сиз кетгач... ғайирларнинг фарёди тинди.
Ким айтар ғайирнинг кўзлари тегмас?
Гўзаллик мунча ҳам мукаммал бўлмас!

Оқ гулу қизил гул, барчаси қолди,
Сизсиз чаманларнинг атри йўқолди.
Сизсиз соғинчлардан кўзларим толди,
Сиз кетгач осмоним қаро тус олди.
Ким айтар ғайирнинг кўзлари тегмас?
Гўзаллик мунча ҳам мукаммал бўлмас!

Сизсиз Боёвутнинг гуллари сўлди...

ЮРАГИМДА ҚОЛГАНИМ

Қайтиб оқмас сойлар ўтди,
Неча мискин, бойлар ўтди.
Неча кунлар, ойлар ўтди,
Қидирганим, топганим сен.

Дарддошларим, дилдошларим,
Йилдек узун бардошларим,
Тилаб топган қувончларим
Ичра излаб топганим сен.

Боёвутга сирғам тушди,
Гўё ҳушим бошдан учди.
Сен кетдинг юлдуз учди,
Юрагимда қолганим сен.

Ёдинг билан умрим ўтди,
Ёдимдаги ёдгорим сен.
Тўрт фасдан танлаб топган
Умримдаги баҳорим сен.

КОИНОТ

Сенга айтар арзларим бор, коинот,
Сендан ёруғ сўзлар келар барҳаёт.
Қалбимда бор минг бир турли ҳиссиёт,
Юрагимда ёнган ўтни сўндирма.

Сенга айтар дардларим бор, коинот,
Ҳеч кимсадан кутмай дейман илтифот,
Гоҳо ҳеч ким қилолмайди оқибат,
Мени бундай яшамоққа кўндирма.

Сенга айтар сўзларим бор, коинот,
Мени ўйга толдирди бу хаёлот,
Бир кун бўлар хароба кўнгил обод,
Энди орзум чечагини сўлдирма.

Кўклам келса, кўл бўлар қишнинг изи,
Қайда ҳаёт дарахтининг илдизи.
Қачон учар менинг умрим юлдузи,
Майли, менга бундай сирни билдирма.

ШЕЪРИЯТГА

Сенсиз юргим келмас бу катта йўлдан,
Юрсам, йўлим олис, чиқаман чўлдан.
Хаёлларим узун, тутасан кўлдан,
Энди сенсиз бошқа йўлга киргим йўқ.

Сенсиз улуғ қарвон узоқни кўрмас,
Сенсиз бир манзилга етишиб бўлмас,
Толиқиб кетса-да дил гапга кўнмас,
Сенсиз энди бошқа йўлга киргим йўқ.

Кўнглим бир мусофир, адашган фақир,
Дилдан кечиб бахтга етишмоқ надир.
Қайларда юрибсан, ёнингга чақир,
Сенсиз энди бошқа йўлга киргим йўқ.



УМР БАҲОРИ

Уни унутмоқ душвор,
Ёдга тушар ҳар баҳор.
Ёшликдаги туйғулар
Жуда содда, беғубор.

Энди сочга оқ тушди,
Афсус-надомат бекор.
Аммо хаёдан кетмас
Ўн тўққизда ёққан қор.

Умр узун йўл экан,
Қувонч беради дийдор.
Ёшлик – умр баҳори,
Севги берилар бир бор.

У энг гузал хотира,
Унутгим келар бекор.
Ёдимдан чиқмас сира
Ўн тўққизда ёққан қор.

МАСЛАҲАТ

Ҳаётинг ўхшаса кўклам гулига,
Бир умр кўкламни қутганинг яхши.
Кимнидир эслатса хотираларинг,
Сен уни ёдингда тутганинг яхши.

Гул барги тўкилса, ҳайрон бўлмагин,
Уларга қўшилиб хазон бўлмагин.
Майли-да, сен қадри арзон бўлмагин,
Дардингни ичингга ютганинг яхши.

Ошиқлар ҳамиша куйиб ўтган-ку,
Айрилиқ, ҳижронни туйиб ўтган-ку.
Дилини ўртаган фақат ишқ дарди,
Шу аччиқ армонни суйиб ўтган-ку.

Майли, сен ўхшама кўклам гулига,
Бахт манзили сари кетганинг яхши.
Беш кунлик дунёда куйма, куюнма,
Барибир дийдорга етганинг яхши.

ГУЛ ХАЁЛИ

Яшнаган гулғунчаман,
Гул фаслига ярашган.
Ёнимдаги гуллар ҳам
Ой-ла ҳусн талашган.

Яшнаган гулғунчаман,
Дилим ташна вафога.
Тонгни интиқ кутаман,
Қўлим очиқ дуога.

Яшнаган гулғунчаман,
Гўзалликни суяман.
Нурга талпинганимда
Дилда соғинч туяман.

Яшнаган гулғунчаман,
Бор бўлсин доим осмон.
Шу гўзал бўстонимдек
Яшнасин бутун жаҳон.

БОҒБОНИМ

Боғбоним, гулларнинг ёнидан ўтсанг,
Ташна диллар ҳам бор, буни унутма.
Беғубор орзулар хазон бўлмасин,
Боғда гуллар ҳам бор, буни унутма.

Уларнинг қалбига қулоқ тутиб кўр,
Бир хазин кўшиқни тинглайсан шунда.
Уларнинг ёнида бахтни кутиб кўр,
Ўзинг кимлигингни англайсан шунда.

Боғбоним, гулларнинг ёнидан ўтсанг,
Сергак бўл, уларнинг юзига боққин.
Бу гулзорга кирсанг, гулгун юзларнинг
Баҳорига боқма, кузига боққин.

Ноумид бўлмасин бу тоза диллар,
Бир қур назар ташла ташна дилларга.
Боғбоним, савоб иш қилайин, десанг,
Бошқаларга боқма, боққин гулларга.

Обиҳаёт истар, бир нажот истар,
Боғбоним, бу гуллар ҳаётга ташна.
Улар кўп нарсани орзу қилади,
Сен фақат уларни парвозга бошла!

ТҲЙЛАР БЎЛСИН

Тўйлар бўлсин Чинозда,
Янгрисин шўх тарона.
Ёрқин келажак томон
Боқайлик биз мардона.

Ҳосил байрами бугун,
Тизилган узун карвон.
Кўрингиз, қут-барака
Кетмоқда хирмон томон.

Тортинмасдан жўр бўлинг
 Янтраганда шўх ялла.
 Сахий куз сепин ёйган,
 Ризққа тўлган қир-дала.

Деҳқоннинг юзи ёруғ,
 Қалбида фахру ғурур.
 Барчамизга ёр бўлсин
 Дилга яқин бу сурур.

Кўзларимиз қувонсин,
 Айтайлик бор овозда:
 Тўй тўйларга улансин,
 Тўйлар бўлсин Чинозда!


ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ

Аҳли анжуманни ўзингга қарат,
 Қалбларга йўл топиш қўлингдан келса.
 Меҳнатинг шу элнинг корига ярат,
 Жондошдек жон бўлиш қўлингдан келса.

Аҳли анжуманни ўзингга қарат,
 Сўзларинг кимнингдир ёдида қолса.
 Байтларинг сеҳридан бир ифор тарат,
 Маст бўлиб бўйидан тан ором олса.

Аҳли анжуманни ўзингга қарат,
 Эзгулик йўлида юргин ҳамиша.
 Ақли комилларнинг сабоғин олгин,
 Уларнинг ёнида қилгин андиша.

Сенга зўр истеъдод берган Худойим,
 Бу эски дунёда янгилик ярат!
 Чиндан ҳам тақдирнинг измида бўлсанг
 Аҳли анжуманни ўзингга қарат



ИШОНМАС ЭДИНГ

Дилим ўртанади ёдимга тушсанг,
Сен мени ҳеч кимга ишонмас эдинг.
Нима ҳам деёлдим қуш бўлиб учсанг,
Меҳримга ишонмай, қувонмас эдинг.

Сени унутмайман, ўзинг сирдошим,
Пок руҳинг аҳволим кўриб турибди.
Ҳув ёшлик боғида ўн саккиз ёшим
Сочини қирқ кокил ўриб турибди.

Мен табассум қилсам, қулар лолалар,
Тўрт ёним чаманзор, гулзорга ўхшар.
Ёдимдан чиқмайсан ёшлик ўтса ҳам,
Мен учун тўрт фасл баҳорга ўхшар.

Сен мени кимларга ишониб кетдинг,
Мен сени ҳеч кимга ишонмас эдим.
Хаёлим сен билан, орзуга етдинг,
Сен мени ҳеч кимга ишонмас эдинг...


ТАБАССУМ ҚИЛ

Дугонам Ойшахонга

**Яхшидир аччиқ ҳақиқат,
Лек ширин ёлгон ёмон...**
Қўшиқдан

Табассум қил доим гулдек очилиб,
Очиқ чеҳра билан бошла ҳар ишни.
Умримиз ўтмоқда тутдек тўкилиб,
Олдга интил, унут бошқа ташвишни.

Дунёнинг сири кўп, ҳар иши жумбоқ,
Гап-сўзларга боқма, сен кўнгилга боқ.
Кимга вафо қилган ёлгончи дунё,
Тўғри сўз ҳамиша бўлади паноҳ.



Сенга мен не айтсам, чин дилдан айтдим,
Адашсам, танлаган йўлимдан қайтдим,
Уст-бошингга қараб баҳо берарлар,
Лек кўнглингга парво қилмагай ҳар ким.

Табассум қил доим гулдек очилиб,
Умримиз ўтмоқда тутдек тўкилиб...

САБР БЕР

Фирдавсийнинг “Шоҳнома” сани ўқиб

Ўзинг етказ ўшал манзилга,
Аҳволимга фақат сен гувоҳ.
Интиганим бунчалар олис,
Мен ҳалиям йўлданман, Аллоҳ...

Ўзинг бердинг бу ишқ каломин,
Эгасига етказ саломим.
Меҳринг билан бўлсам ҳам фидо
Ўз жонимга қилмайин жафо.

Оҳ урмоққа куч тополмайман,
Нега билганимдан қолмайман?
Нима қилсам, енгил тортаман,
Ўтмишимни унутолмайман.

Тош қалбни ҳам эритган Ўзинг,
Муз қалбни ҳам иситган Ўзинг.
Шафқат қилиб шоҳу гадога
Тўғри йўлни кўрсатган Ўзинг.

Бу дунёнинг жумбоқ иши кўп,
Келолмайман бирор тўхтамага.
Шундай сабр бергинки, ҳатто
Парво қилмай яшайин ғамга.

ЯХШИЛИК

Кишининг мулкига кўз олайтирма,
Унинг юрагига оғриқ кирмасин.
Дунё кенг, кўнглингни ҳеч торайтирма,
Меҳр кўчаларда сарсон юрмасин.

Ўзганинг мулкига кўз олайтирма,
Унинг юз миридан бир миринг яхши.
Умримни комиллик сари бошлагин,
Сен бўлгин ҳар қачон инсоннинг нақши.

Бировнинг мулкига кўз олайтирма,
Арзимас нарса деб тўкма қадрингни.
Қулиб боқар бир кун сенинг омадинг,
Ҳаёт синаяпти ахир сабрингни.

Ҳеч кимнинг мулкига кўз олайтирма,
Йиғиб-терганини ўмариб юрма.
Етти ўлчаб, бир кес, ўйлаб иш қилгин,
Сўнгги дам пушаймон қилиб ўтирма.

Кишининг мулкига кўз олайтирма,
Мақсадинг ўзингга қилар қаршилиқ.
Беш кунлик дунёда инсон зотидан
Қолса қолар фақат меҳр, яхшилиқ.

УСТОЗЛАРИМГА

Борлиқни мукаммал яратган Ўзинг,
Сўнг имин оламга тарқатган Ўзинг.
Дилимга дарёдек бир меҳр солиб,
Тилим булбул қилиб сайратган Ўзинг.
Узун тунлар Сенга илтижо қилдим –
Узоқ умр бергин устозларимга.

Баъзида жарликка бошлар бу ҳаёт,
Баланд орзу билан сийлаган Ўзинг.
Шоҳу гадони ҳам бирдек ўйлаган,
Кибру ҳаволини суймаган Ўзинг.
Тонгда туриб сенга илтижо қилдим –
Мустаҳкам соғлиқ бер устозларимга.

Умидлар яхшилик сари бошлайди,
Катта йўлга чиққан зотни толдирма.
Кўзида ёш кўрмай қора кўзларнинг,
Ҳеч кимни армонлар ичра ёндирма.
Художон, ўзингдан умидим беҳад –
Ўзинг сирдош бўлгин устозларимга.

Бундай ақли расо, аҳли комиллар
Юз йилда бир марта туғилар балки.
Кимлардир ўзининг дардида ёнар,
Уларнинг қалбида фақат эл дарди.
Сендан тилаганим, орзуим битта —
Узоқ умр бергин шоирларингга.

БИТТА ОТАШ...

Битта оташ икки дилда ёнарди
Бирга яшаб, бирга чой ичмасак ҳам.
Бошимизга ёққан қорни — ташвишни
Биргаллашиб курашга тушмасак ҳам.
Бу сирларни ўзгаларга айтмасдик...

Битта оташ икки дилда юрарди,
Чин севгига етишмоқлик армонмас.
Ўзинг бошқа, феълинг бошқа бўларди,
Ҳар кўнгилга йўл топиш ҳам осонмас.
Бу сирларни ўзгаларга айтмасдик...

Битта оташ икки дилда бўларди,
Меҳринг ишда, кўлинг ишда бўларди.
Фикру ёдинг фақат бизда бўлса ҳам,
Бир қарорга ўй-хаёлинг кўнарди.
Бу сирларни ўзгаларга айтмасдик...

Битта оташ икки дилда сўнарди,
Қайсар эдинг, ўз йўлингдан қайтмасдинг.
Бир ҳақиқат куйдирарди дилингни,
Қийналсанг ҳам ўша сўзни айтмасдинг.
Бу сирларни ўзгаларга айтмасдик...

Бир ҳовлида яшар эдик бахт излаб,
Рози эдик бирга қадам ташлашга.
Ўзни сен деб, фақат ғурурни сизлаб
Рози эдик бегонадек яшашга.
Бу сирларни ўзгаларга айтмасдик...

Биров билса, не дер эди, уялиб
Бу сирларни ўзгаларга айтмасдик.
Бу сирларни ичимизда айтсак ҳам
Бизлар кўнгил ошёнига қайтмасдик.

Битта оташ икки дилда ёнарди...

ШОИР ВА БУЛБУЛ

Шоир боғда сайр қилиб юрарди,
Гул шохида ногоҳ булбул учради.
Илҳом келиб сармаст юрган ёш шоир
Унга боқиб битта савол ташлади:

– Наҳот бир ишқ юрагингга солган чўғ,
Нега бунча ёниб-қуйиб куйлайсан?
Бу оламда ахир кимда армон йўқ,
Менга айт-чи, нималарни ўйлайсан?

– Ошиқдирман шундай гўзал гулзорга,
Мен ҳам сендек илҳом дардига тушдим.
Минг шукрки, етиб келдик баҳорга,
Шошилганча орзуим томон учдим.

Булбуллар кўп бир-биридан хушовоз,
Шоирлар кўп агар билсанг, биродар.
Бу дунёда яшаб туриб, у ҳақда
Куйламаслик ўлим билан баробар.

Шоиримиз буюк ишқни тушунди,
Не дейишин билмай қолди у энди.
Куйлагиси келди Ватан мадҳини,
Яшамоқдан асл мақсад шу энди.



ҚИЗГИНАМ

Қизгинам, энг гўзал боғлар сеники,
Чаманнинг ифори, гуллар сенники.
Чиқолсанг, виқорли тоғлар сеники,
Қуёш, юдузлару ойлар сеники.

Қизгинам, юравер чехрангни очиб,
Қара, ҳаёт гўзал, киши тўймайди.
Жаннатий маъвога кирсанг нур сочиб,
Бир хуш саболари тортиб қўймайди.

Қизгинам, қизларинг олдида юргин,
Кўзимнинг оқи-ю қароси сенсан.
Жон қизим, бир умр ёнимда тургин,
Томиримда оққан қонимдадирсан.

Қизгинам, кўп экан ҳаётнинг нози,
Ёзларида бордир қишнинг аёзи,
Ўзимнинг шаънимга ўзимман қози,
Қизим, онанг сендан ҳамиша рози..

УМР

Ёнгинамда шовуллайди тераклар,
Япроқлардек титраб турар юраклар,
Сизга етиб борсин ойдин тилаклар,
Сўзингизни ёдда кутиб яшадим.

Дарёлар ҳам шошиб-шошиб оқарлар,
Ўзанида тўлиб-тошиб оқарлар.
Қир-адирни, чўлни ошиб оқарлар,
Сирдарёдан дoston кутиб яшадим.

Шу дарёдек тўлқинланди, тўлди дил,
Қизил гулдек эрта тўкилди кўнги,
Энди менга қўшиқ қўйламоқ энгил,
Дардларимни ичга ютиб яшадим.

Сирим айтдим, Сирдарё сирли дарё,
Обиҳаёт бўлмаса сўлар дуне.
Мен дарёдек бўлиб яшадим, аммо
Қақроқ чўлдек ёмғир кутиб яшадим.

Офтоб каби бахтни кутиб яшадим...

ТАРК ЭТМА

Қайдасан, гулшаним сайроқ булбули,
Кўнглим кўчасининг нурафшон йўли.
Мен истаган куннинг муродбахш гули,
Мунисим, гўзалим, тарк этма мени.

Қайдасан, гулшаним сайроқ булбули,
Ҳориб топган эдим сени йўллардан.
Мунисим, гўзалим, тарк этма мени,
Сени асраб қолгим келар дўллардан.

Тарк этма, кетмагин олис манзилга,
Кетсанг ким нур олиб келар кўнгилга.
Ким орзу ҳақида ёниб сўйлайди,
Ким кўшиқ айтади мен билан бирга.

Қайдасан, овоз бер, бормисан ўзи,
Сен йўқсан, минг йилки яшнамас боғим.
Билармисан ўзи менга кимлигинг,
Сен менинг ишонган, суянган тоғим.

Билмадим, бу хаёл тушми ё рўё,
Мени қайга бошлар бу кўнгили йўли?
Мунисим, гўзалим, тарк этма мени,
Қайдасан, гулшаним сайроқ булбули?!

ОНА ЮРТ

Мардлар бир томонда, бир ён гузаллар,
Сен ўзинг барчага бирдек бўлдинг ёр,
Боғларингда кулиб боқади баҳор,
Она юрт, мадад бер, бахт сари борай.

Жисму жоним титрар ўтмишга қараб,
Мен аслида кимман, ўзинг айт, ё Раб!
Минг қоғоз қоралаб, дилга ўт қалаб,
Ёняпман, она юрт, мадҳингни куйлаб.

Бир қарич ерингда минг мисқол олтин,
Дилга шеър солдингу, дардимни олдинг.
Неча шоир ўтган мендан ҳам олдин,
Бор илҳомим тўплаб гулдан шеър тузай,
Она юрт, рухсат бер, қарзимни узай.

ЎХШАШЛИК

Осмон кенг, бағри булут,
Ярми қора, ярми оқ,
Ёмғирда уст-бошини
Ювади шаҳар-қишлоқ.

Кимдадир бор соябон,
Кимгадир яшаш осон.
Кимнингдир юрагини
Емириб борар армон.

Офтобдек кулар осмон
Ечиб қора тўнини.
Шамолга ҳар иш осон,
Излаб юрмас йўлини.

Менинг жоним ҳам омон,
Ҳеч нарса бўлмагандай.
Ёлғиз хаёл паришон,
Кўнглим ҳеч тўлмагандай.

Кўк ташлагач андоза,
Тақиллади эшик ҳам.
Қўлда гул — остонада
Кулиб турар набирам.

АВАЙЛАБ

Сенинг ёду меҳринг дилда авайлаб,
Шукр, шу кунларга етиб келдим-ей.
Авайлаб, авайлаб, мени авайлаб
Тақдир шу манзилга олиб келди-ей.

Узун карвонини сарбон авайлар,
Армон олис йўлда барҳам топди-ей.
Умидли ҳар дилда сано ўқилар,
Қалбим шукронадан малҳам топди-ей.

Авайлаб-асрасак бир-биримизни
Койиб яшамаймиз тақдиримизни.
Муқаддас Ватан, деб ардоқлагаймиз
Онамиздек азиз шу еримизни.

Авайлаб-асрашни бурч деб билайлик,
Эзгулик танлаган йўлимиз бўлсин.
Беш кунлик дунёда шодон яшайлик,
Бутун олам меҳр нурига чўмсин.

ЎЗБЕК ҚИЗИМАН

(Набирам Дилрабохон тилидан)

Мен ўзбек қизиман Ватанин севган,
Истиқлол юлдузи, иқболи кулган.
Дилда ёруғ ишонч, илм билан дўст,
Юрган йўлларида бахт гули унган.

Минг ҳикмат ўқийман тарихга боқсам,
Не-не мутафаккир боболарим бор.
Унда мард ва жасур Тўмарис турар,
Унда Зебунисо момоларим бор.

Яшайман, чеки йўқ орзуларимнинг,
Мен – иқболи кулган авлод вакили.
Шу мустақил юртда эркин яшовчи
Озод ва бахтиёр одамнинг бири.

Бугун ҳар қадамда янги ўзгариш,
Элим, қутлуғ бўлсин ҳидоят йўли.
Мени дадил, бардам яшашга чорлар
Мозийга қарасам, ҳикоят йўли.



ЎГИТ

Эр-хотин қўш хўкиздир,
Иккиси бир тан, бир жон.
Қара, ахир, қушлар ҳам
Бир-бирига меҳрибон.

Турмуш — мушт, дема сира,
Доим саришта бўлгин.
Доимо бўл ораста,
Мисли фаришта бўлгин.

Уйда шундай нон ёпки,
Ҳеч новвой ёполмасин.
Ширин таом қил, биров
Сирини тополмасин.

Арзандамас, пазанда,
Қўли гул чевар бўлгин.
Рўзғордан кам излама,
Сен уни севар бўлгин.

Буғдой нонин емоққа
Баъзан темир тиш керак.
Камчилик, айб изламай,
Борига кўниш керак.

Бахтнинг сири бардошдир,
Бахт калити — ҳурматда.
Шу сирни билган аёл
Доим бўлар иззатда.

СЕНИ КЎРДИМ

Мол-дунёдан кечиб, Ҳақ йўлни топсанг,
Ҳаловат бор сабр йўлида чопсанг.
Беҳуда сўз демай, оғзингни ёпсанг,
Сен бахтлисан, бундан ўтиб не дердим,
Минг шукрки, шу тахтада сени кўрдим.

Машаққатдан кўрқмай тут бир касб кўлин,
Қутлуғ бўлсин энди танлаган йўлинг.
Таслим бўлсанг, ғайратга таслим бўлдинг,
Сен бахтлисан, бундан ўтиб не дердим,
Минг шукрки, мен сени бахт-ла кўрдим.

Суйнамагин ўзгага, мустақил бўл,
Ўзгаларга эргашмай, топ тўғри йўл.
Бу дунёнинг синовлари бор мўл-кўл,
Сен бахтлисан, бундан ўтиб не дердим,
Минг шукрки, сени бир аҳдда кўрдим.

ИЛОЖСИЗЛИК

Ичим ачир мискинга,
Қўлим калта, нетаман.
Қандай қилиб ахир мен
Юзим буриб кетаман.

Йиллар мисли оқар сув,
Сойдек оқиб ўтади.
Осмонда чиққан ой ҳам
Бойга боқиб ўтади.

Иложсизлик – ёмон дард,
Ўзинг учун ўл етим.
Мен иложсиз бўлмасам,
Шу гапни айтармидим.

Халқда яна ҳикмат бор,
Қир ошар қимирлаган.
Ярим йўлда йиқилар
Яшаш сирин билмаган.

Ҳаёт чопқир от гўё,
Танбалликни хушламас.
Ўзингни бахт қасрида
Ўнгингда кўр, тушдамас.

НАЙ НАВОСИ

Бу найнинг навоси етса дилдорга
У ҳам бир боқарми суюкли ёрга.
Бир раҳм қиларми ишқида зорга,
Найнинг навосига ошуфта кўнгил,
Куйнинг оҳангига орзиқадир дил.

Гулдек тебранади ором олса жон,
Кимга суянади ёлғиз ёнса жон.
Бормикин онамдек бирор меҳрибон,
Найнинг навосига ошуфта кўнгил,
Куйнинг оҳангига орзиқадир дил.

Найнинг навосида тошлар эрийди,
Музлар эриб, муздек сувлар илийди.
Оҳу нолам сенга етса, қанийди,
Найнинг навосига ошуфта кўнгил,
Куйнинг оҳангига орзиқадир дил.

ДУНЁГА КЕЛДИМ...

Машраб китобидан ўт олди юрак,
Ичимга ишқ деган бир олов солдим.
Эрта-ю кечи йўқ ошиқликнинг ҳеч,
Юрагим ёнсин, деб дунёга келдим.

Ёшлик оразимга ташлади чирой,
Менга қараб хушнуд боқди кўкда Ой.
Таъбим нозик, нигоҳларим мисли ёй,
Мен ҳам Ой бўлай, деб дунёга келдим.

Умр — бошга ёққан оппоқ қор гўё,
Ой нима, Қуёшга ўхшаймикин ё,
Қиш ўтса, офтобни севади дунё,
Тошқин сой бўлай, деб дунёга келдим.

Ким савобни кўзлаб йўллар қуради,
Бу йўллар четига ким гуллар экар.
Умид ниҳолида бахт ниш уради,
Дарахтдек гуллай, деб дунёга келдим.

Зулайҳо ишқида ёнгандек Юсуф,
Дилимга ўт тушди, минг бор таассуф.
Бахтимга кўз тегиб қолмасин, туф-туф,
Шу бахтни кўрай, деб дунёга келдим.

СОҲИБИ ДАВРОН ЎШАЛ

Юсуфу барно каби бир соҳиби даврон ўшал,
Юнусу доно каби бир соҳиби доно ўшал.

Васлини бир кўргузиб, кўнгилга ўт ёққан удир,
Ўт ёқиб жисми жонга, сўнг уфқ сари ботган ўшал.

Унинг камон қошлари бағримни яро этмиш,
Чархпалакдек айланиб, бахтим қаро этган ўшал.

Ёндирур дур тишлари кулганда кул этмиш дилани,
Қомати султон каби, ҳуснига кул этган ўшал.

Бағрима бошин кўйиб, кўзларим нам этиб кетти,
Хотирим барбод этиб, девонавор этган ўшал.

Сўзлаганда хуш такаллум, лафзи ҳам бордир унинг,
Ул гўзал мадҳини айтсам, сўзлари дурдир ўшал.

Шириннинг Фарҳодидек тоғларни талқон этмишдир ул,
Айрилиқ чоғидаман, қайтмас бўлиб кетган ўшал.

Мен унинг васфидин айтсам, дунёда йўқдир ул киби,
Келган эрди дунёга бир соҳиби даврон ўшал.

Ман қаламни тордай чалай қайтиб дунёга келмасми у,
Ишқидин дилхаста-ю, қаддим дуто қилган ўшал.

ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Ватан десам, юрагим нурга тўлур,
Она десам, тилдан маржон тўкилур.
Элга хизмат қилиб топаман ҳузур,
Ўғитингиз унутмайман ҳеч қачон –
Оқ сутингиз иқбол берди, Онажон.

Дуо қилиб, юртга тинчлик тилайсиз,
Эркалайсиз, бошимизни силайсиз.
Меҳнат қилиб, чарчаш нима, билмайсиз,
Сиз ёнимда, шодликларим бир жаҳон –
Оқ сутингиз иқбол берди, Онажон.

Чаманзорда қушлар қўшиқ айтади,
Турналар ҳам ҳар баҳорда қайтади.
Бизга сиздек бир меҳрибон қайдадир,
Сиз осмонсиз, бошимиздаги посбон –
Оқ сутингиз иқбол берди, Онажон.

Жилмайсангиз, боғимда гул очилар,
Сиз йиғламанг, қадрингизни ким билар.
Осмоннинг ҳам кўзидан ёш томчилар,
Бахтимизга омон бўлинг ҳар қачон –
Офтоб бўлиб кулиб юринг, Онажон.

ҲИКМАТ

Анҳор бўйларига меҳр экиб кет,
Сен кетгач, саодат гуллари унар.
Дарё бўйига бор, сувга тушинг айт,
Тоза дилни тоза кўнгила тушунар.

Мавж урган тўлқиндек ғайратинг тошсин,
Шу сувдек пок бўлсин доим виждонинг.
Самонинг сарвари дилинг ёритмиш,
Иймон яқин дўсти ахир инсоннинг.

Ҳидоят йўлида бардавом юргин,
Танлаган пок йўлинг муборак бўлсин.
Сен ўзингга ишон, ишон қалбингга,
Юрагинг ҳамиша шодликка тўлсин.

Эзгу ният билан бир иш бошласанг,
Кексалар дуога қўлин очади.
Ёрдам кутмасанг ҳам бўлади, энди
Яратган имконлар йўлин очади.

Анҳор бўйларига бир ниҳол экин,
У умри бориचा саловат айтар.
Унинг япроғидан минг ҳикмат ўқи,
Яхшилик қилганга яхшилик қайтар.

ЁЛҒИЗ ҚУШИМ

Ёлғиз қушим, ёлғизликдан қўрқмагин,
Ёлғизга ёр бўлади ёлғиз Худо.
Шу ҳолингга менга жуда ўхшайсан,
Этма мени бу дилдошликдан жудо.

Ёлғиз қушим, ёлғизлигимда доим
Ёлғизгина ўзинг мени тушундинг,
Кўнгил очдим ёлғиз сенга, сен эса,
Ёлғиз мени, мени дея ўкиндинг.

Ёлғиз қушим, қўнсанг, чўққига қўнгин,
Сен мағрурсан, мағрурлигингча қолгин.
Мен биламан, билганингдан қолмайсан,
Сўзларимни бир бор қулоққа олгин.

Ёлғиз қушим... ёлғиз мен билан қолгин...

ОНАЖОНИНГ НИМЧАСИ

Онажонинг нимчаси бўлмаганда
 Ёдингга ҳам тушмас эди балки у.
 Болалигинг каби олисда яшар,
 У хотира, ўтмишингда қолди у.

Бегона бир туркман чолнинг ҳақиға
 Дуо қилдинг, дуо тилингдан тушмас.
 Ўнта бола ўстирган онанг эса
 Наҳот, ҳар кун бир бор эсингга тушмас.

Стангнинг қўллари қадоқли эди,
 Онангнинг юраги ямоқли эди.
 Эслагин, не сенга ардоқли эди,
 Эслагин, эсингни йиққин, Карима!

Не йўқотсанг йўқот, уни йўқотма,
 Онангдайин Ватанни йўқотмагин.
 Онангдайин азиз ерни ардоқла,
 Етти пуштинг руҳини қўзғотмагин.

Инсон ўзи унутгувчи аслида,
 Айб ўзингда, ўзгалардан ранжима.
 Онажонинг нимчаси бўлмаганда
 Ёдингга ҳам тушмасмиди, Карима.



ОЛОВЛИ ЙЎЛ

Ёдлаб юргин, мени деса, йўқ дема,
Одат бўлса ташлаб кетиш, ўксима.
Ошиқлар юради оловли йўлдан,
Туйғуларга бўйсун, лекин тўзғима.

Икки кўнгил юрса ҳам икки йўлдан
Икки ёнда сарсон бўлса икки дил.
Чин ошиқлар минг синовда енгилмас,
Бўлмайди ҳеч хаёллари икки хил.

НИЯТ

Элда эъзоз топар меҳнаткаш,
Интилганга толе ёр доим.
Ҳаракатда барокат бўлар,
Интилганни қўллар Худойим.

Тилагим бир, тилагим яккаш,
Сизни доим кўрайин омон.
Кулиб турсин бошимда қуёш,
Кулиб турсин бошимда осмон.

Тилаганим — тўкин бўлсин дастурхон,
Элнинг ризқи бутун бўлсин ҳамиша.
Осойишта кунлар бардавом бўлсин,
Ғанимларнинг ўзи қилсин андиша.

Юрт тинч бўлсин, ёш авлод шодон бўлсин,
Шаҳарлару қишлоқлар бўлсин обод.
Келажакка яхши замин ҳозирланг,
Дунё гўзал, ахир, бугун юрт озод.

ЯРАШМАС

Овозингиз эшитдик,
Майин экан, хуш кўрдик.
Элга ёқибсиз, билдик,
Сўзимни оғир олманг –
Сингилжон, «мен, мен» деманг.

Йигитга ҳеч ярашмас
Мен, деб кўкракка урмоқ.
Дустни беписанд қилманг,
Сўзимни оғир олманг –
Укажон, «мен, мен» деманг.

Сиз ҳаммадан яхшисиз,
Буни кўплар билади.
Баланд бўлар қадрингиз,
Сўзимни оғир олманг –
Опажон, «мен, мен» деманг.

Мақтанчоқ от қўймасин,
Ортдан айтиб юрмасин.
Келинг, биров кулмасин,
Сўзимни оғир олманг –
Акажон, «мен, мен» деманг.

Асл бой кеккаймайди,
Кибр нима, билмайди.
Бойлик ҳеч дўст бўлмайди,
Сўзимни оғир олманг –
Ёронлар, «мен, мен» деманг!

ХАФА БЎЛМА

Дангалчининг иши осон битади,
Кўкармайди сира бахилнинг боғи.
Сен тақдирдан ҳечам хафа бўлмагин,
Тиконларга тўла ҳаёт сўқмоғи.

Мужмал одам иши битмай қийналар,
Бундай одам узоқ-узоқ ўйланар,
Мардлар эса, сенинг кунингга ярар,
Эпсизлардан ҳеч вақт ёрдам кутмагин.

Ишончи йўқ билан боғ барпо этсанг,
Икки дунё ҳосилин йиғолмайсан.
Интиласанг, агар ғайрат қилмасанг,
Сен ҳеч қачон чуққига чиқолмайсан.

ОШИҚ ҚИЛГАН

Ошиқ қилган икки қаро қош
Қачон бизга бўларкин дилдош.
Юрагимга топилмас сирдош,
Қайлардасан, интиланган аҳдим,
Кулиб мени қарши ол, бахтим!

Ошиқ қилган мафтункор нигоҳ
Юрагимга яқин бунча, оҳ.
Уни десам, савобми, гуноҳ,
Мадад бўлгин, дилдаги шаҳдим,
Кулиб мени қарши ол, бахтим!

Ошиқ қилган бу гўзал овоз,
Бунча булбул каби хушовоз.
Дилдаги ҳис ноз қилади, ноз,
Насиямас, сен менинг нақдим,
Кулиб мени қарши ол, бахтим!

Ошиқ қилган икки қаро қош,
Уни дея тўқдим қанча ёш.
Кўнгил бунча бўларкан бебош,
Сен ҳеч қачон қуламас тахтим,
Мени кулиб қарши ол, бахтим!

КЎНГИЛ ҚЎШИҒИ

Хабар олмайди биров,
Қадам босмайди биров.
Сочимга қўнди қиров,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

Хаёлим унга асир,
У ёлғиз, у биттадир.
Мен ерда, кўкда, ахир,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

Тунлар узун-узундир,
Хаёл унга тутқундир.
Ёнганим у учундир,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

Мен туну кун интизор,
Насиб этмайди дийдор.
Келиб кетмайди бир бор,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

Бунча ўртанди жоним,
Оғир бўлди аҳволим.
Нечун у бунча золим,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

Бошим қайга урай мен,
Қандай ёлғиз юрай мен.
Қанча хаёл сурай мен,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

Ҳижроннинг йўли узоқ,
Йўлларим тўла тузоқ.
Арзимни эшит, Раззоқ,
Мушкул бўлди тонг отмоқ.

УМР ЎТИБ КЕТДИ-Ё...

Қалб шаҳрининг султони
Қўймас бўлди гавғони.
Чин муҳаббат қурбони,
Умр ўтиб кетди-ё.

Жамолингга маҳлиё
Баҳор ўтиб кетди-ё.
Меҳрда кўрмай зиё
Умр ўтиб кетди-ё.

Мафтун бўлиб ўзингга,
Билмам, қай бир сўзингга.
Тик боқолмай кўзингга
Умр ўтиб кетди-ё.

Ҳасрат ўтини ёқиб
Кетаётир бу дунё.
Афсус-надомат чекиб
Умр ўтиб кетди-ё.

Етар, энди ранжима,
Афсус чекма, Карима.
Ёшлик ўтди, ўксима,
Умр ўтиб кетди-ё.

ИРОДАМ

Узун йиллар – кўҳна армоним,
Йиллар менинг аҳду паймоним.
Йиллар – ўқилмаган дostonим,
Етгин қутлуў кунга, Иродам.

Дилим савоб излаш ниятда,
Шояд кўнгил қуш бўлиб учса.
Ишқим ҳидоятга мос тушса,
Етса қутлуғ кунга Иродам.

Дил дардини ичга ютади,
Бошқа ғавғони унутади.
Қўлим хайр йўлин тутади,
Қутлуғ кунга етгин, Иродам.

Ҳо-ю ҳаваслардан тон энди,
Шу ишқ оташида ён энди.
Кўнгил, уйғонгин, уйғон энди,
Қутлуғ кунга элтсин Иродам.



ФАЛАК

Баъзан, фалак, шафқат қила билмассан,
Гам босади нола-ю зор устига.

Баъзан чексиз машаққатни сезмассан,
Зор бўламан яна дийдор ҳуснига.

Баъзан, фалак, шафқат нима, билмассан,
Бирни осиб, бирни ёқиб борурсан.
Сувларингга бир чўктириб олурсан,
Услубинг куп, жон олур жон устига.

Баъзан, фалак, шафқат нима, билмассан,
Ожиз муҳтож бўлар ожиз одамга.
Номардларга бизни фидо қилурсан,
Изминг ичра нега сарсонмиз, нега?!

Баъзан, фалак, шафқат нима, билмассан,
Бирни ёмон, бирни яхши қилурсан.
Озроқ муддат шодликни ҳам берурсан,
Синовинг куп синовларинг устига.

Баъзан, фалак, шафқат нима, билмассан,
Ўзинг санаб юрган куну тунинг бор.
Ўзи ўлчаб, санаб берган ризқи бор,
Қаноатли ризқ топар ризқ устига.

Баъзан, фалак, шафқат нима, билмассан,
Ҳақ йўл дейди аввал ўйлаб қадам бос.
Эзгуликлар бир кун гуллайди қийғос,
Ҳақдан ҳақлик келар ҳақ йўл устига.

МЕН БИР ГУЛ

Мен – бир гул, гулларнинг меҳрибониман,
 Офтобда қолганнинг соябониман.
 Кўнгил деб куйганнинг қадрдониман,
 Сизга гул дилимни тутгани келдим.

Мен – бир гул, оташда куймаган гулман,
 Ёлғиз юрагимга, қалбимга қулман.
 Дунё бозорида наҳот бир пулман,
 Ғамимни ичимга ютгани келдим.

Мен – бир гул, асл гул, шохи синмаган,
 Муаттар исини ҳеч ким билмаган.
 Тонгги шабнамлардек тўлиб йиғлаган,
 Дунёга дардим унутгани келдим.

Мен – бир гул, қўл чўзиб, ҳеч ким етмаган,
 Ботиний ғамини ошкор этмаган.
 Ёнимга офтоб бир келиб кетмаган,
 Қўёшни энтикиб кутгани келдим.

ШУКРОНА

Хуш келдима шу кунларга,
 Менинг иқболим шудир.
 Шу кунларни кўзимга
 Кўрсатганга минг шукр.

Қаро тун қуршаб олса
 Моҳтобдек қулиб турсам.
 Офтобдек кераклигим,
 Борлигим билиб турсам.

Юлдузлардек нур сочиб,
 Қулиб келса бахт ўзи.
 Будутларни йиғлатса
 Танти кўнглимнинг сўзи.

Нега шукр айтмайин,
У менга қалам берди.
Бахтли бўлиб яшашга
Бир гўзал олам берди.

ЛАЙЛАК

Бухородин лайлак келур,
У дардим қайдан билур.
Хаёлим сарсон қилур,
Дардга малҳам топилди.

Ёлғизликдан безганман,
Юрагимни эзганман.
Танҳолигим сезганман,
Дилга ҳамдам топилди.

Қанот қоқиб учган қуш,
Келгин, ёнгинамга туш.
Сен ҳам мен каби хомуш,
Бир таниш ғам топилди.

Менга ишонгин, ишон,
Сен ҳам қувонгин, қувон.
Ердан кенгмикин осмон,
Гўзал олам топилди.

Сенинг тилинг ким билар,
Ким сендек нола қилар.
Сени дилдан тушунар,
Кел, бир одам топилди.

САБОҚ

Олам тилларини ўрган, сабоқ ол,
 Илм ўрган, сенга боқади иқбол.
 Боболар ўгитин ҳар дам ёдга сол,
 Билим – бахт ҳар қачон, билгин, болажон.

Қоғоз, қалам, бўёқни ҳам унутма,
 Бахт қўлингда, кўнглингни ҳеч ўкситма.
 Ўқи, ўрган, дангаса бўлиб кетма,
 Илм – бахт ҳар қачон, билгин, болажон.

Тил билган дил билар, олам билади,
 Тил билмас қадамда бир қоқилади.
 Карима, болам, деб омад тилади,
 Илм – бахт ҳар қачон, билгин, болажон.

ИШҚ

Кўксимга ишқ солди чўғ,
 Юрагимда армон йўқ.
 Менинг каби сарсон йўқ,
 Фақат ёниш дардим бор.

Кездим боғ-бўстонларни,
 Чўлу биёбонларни.
 Унутдим армонларни,
 Куйламоқлик фарзим бор.

Осмонулар тоғларни,
 Кездим гулдек боғларни,
 Кўрдим ёшлик чоғларни,
 Тўрт фаслга арзим бор.

Табиат ҳам онадир,
 Ким ҳам бундан тонадир.
 У бизга ишонадир,
 Табиатдан қарзим бор.

Кўксимга ишқ солди чўғ,
Энди дилда армон йўқ.
Сендек бир меҳрибон йўқ,
Ёниб, сўнмас дардим бор.

Ишқ, кўксимга солдинг чўғ...

КЕЛ САБО

Кел сабо, ёнимга келгин бугун,
Ёнимга кел, дардимни битгин бугун.
Қалбимга нур тушди бугун сен учун,
Қуёш каби кулиб келгин ёнимга.

Кечалари ёниб турган чироқдай,
Юрагимга оташ солган фироқдай,
Болалигим бугун жуда йироқдай,
Борлигимни билиб келгин ёнимга.

Бемордирман, бедор ўтар кечалар,
Хаёлимда қўнглил маҳзун куй чалар.
Бизни ташлаб қайга кетар турналар,
Олислардан юриб келгин ёнимга.

Дилга тушган оқшомлар бўлди хуфтон,
Сенсиз дилга хуш ёқарми бу бўстон.
Қара, қора булутга тўлди осмон,
Қуёш каби кулиб келгин ёнимга.



МИСЛИ ГУЛ

Синглим Индирахонга

Таърифлашга тилим лол,
Сўзларингиз мисли гул.
Меҳрингиз булоғидан
Баҳра олади кўнгил.

Тош шаҳар ўртасида
Қуёшдек кулиб турган,
Мендек сарсон опасин
Дардини деб турган.

Сўзлари бол, тилим лол,
Бунчалар меҳрибонсиз.
Элга камарбастасиз,
Бизларни деб сарсонсиз.

Донолар айтганидек
Яхшилар топар иқбол.
Ҳамиша бахтли бўлсин
Сиздек бир соҳибжамол.

Киприкка қўнмайди ғам,
Шундайлар ҳушёр бўлсин.
Ўзбегим юртида ҳам
Индиралар бор бўлсин.

УМИД БОҒИ

Ҳамма сендан юз ўгирса ҳам,
Умид боғинг сўлмасин.
Онажонинг сенга берган
Меҳринг унут бўлмасин.

Бу бошга не ишлар тушди,
Тақдир тоши оғир экан.

Бировга айтмаган дардинг
Дилга беркинган сир экан.

Йўлим усти тўла тузоқ,
Борар манзилим куп узоқ.
Мен ёниб яшайман, бироқ,
Нетай, тақдир тақдир экан.

Шу гапни дилга жойлагин:
Исминг унут бўлмасин.
Карима, жондек асрагин,
Умид боғи сўлмасин.

ШУКР ҚИЛ

Сен ризқингни изламагин олисдан,
Шукр қилсанг, ризқингга ризқ қўшилар.
Ҳаракат қил, интил, мардларча яша,
Сирларингни душман эмас, дўст билар.

Ўзингни ҳеч баланд қўйма бировдан,
Сабоқ олгин сочга тушган қировдан.
Умид қилма барори келмас овдан,
Йиқилсанг ҳам отанг бошингни силар.

Юрган йўлда айтиб юргин шукрона,
Куйма, сенга боқмаса бу замона.
Бўлма дунё ишларига ҳайрона,
Сен қоқилсанг, йиғласа, онанг йиғлар.

Бу дунёнинг бир ками кўп, ғами кўп,
Баъзан дўстинг келиб кўзга суқар чўп.
Онангдайин азиз Ватан хокин ўп,
Ёлғизгина Ватан сенга бахт тилар.

БЕМОРИНГ ЎЗИМ

Кун-туним беҳаловат, хаста беморинг мен ўзим,
Қийналар жон шеър ишқида, рангги сомонинг ўзим.

Дийдорингга рўбарўман, минг балолардин ўтиб,
Гўёки Мажнун каби ишққа гирифторинг ўзим.

Ёнимда ҳар кун бўлиб, юрсанг эди гулзор аро,
Адолатни ёқлаган Машраби сарсонинг ўзим.

Минг синовга лол боқиб, қайсар феъли ҳам йўқолиб,
Оташ ичида ёнган забонсиз шамдонинг ўзим.

Тўрт фасл менга баҳор, ҳар куни истаб дийдор,
Тунларим ўтур бедор, ошиқи зоринг ўзим.

Эй Карима, ғам ема, кўнгилда бўлса эътиқод,
Ёзу қиш васлинг тилар эски беморинг ўзим.

ҲОЛАТ

Чирт-чирт этиб барглар узилар,
Юрагимдан қуйилган ёшдек.
Кўйлагимнинг чоти ситилар
Жисмимдаги тўфон — титроқдек.

Бевақт хазон бўлди бир умр,
Бу йил эрта келдими мезон.
Қалбгинамда тўкилган баргдек
Чирқираб қон йиғлайди ҳижрон.

ТОПГАНИГА БАРАКА БЕРСИН

Ҳасад қилма, некибин кимсага,
Тўлиб кетсин омборга дони.
Парвардигор қилсин зиёда,
Сахийларнинг бўлсин макони.

Топганига барака берсин,
Бу Ватаннинг шуҳрати демак.
У тадбиркор, фермер, деҳқонми,
Инсон шундай яшаши керак.

ЯЛҚОВЛАРДАН

Гап гапирса, гапни гапга қўндирар,
Қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдирар.
Амаддамас, ишни гапда дўндирар,
Ялқовлардан қуйиб-ёниб кул бўлдим.

Ялқовларга қилгин десанг, иш ёқмас,
Ўтирмоққа ўз уйдан жой топмас.
Бегонадек “бидбилдиқ”, қўним тополмас,
Ялқовлардан қуйиб-ёниб кул бўлдим.

Ялқовларга ёрдам бериб – панд едим,
Яхшиларга ёрдам бердим – қанд едим.
Етимларнинг бошин силаш ҳақ дедим,
Ялқовларга ақл бериб чарчадим.

ЙИГИТЛАР

Сизмай кетдим бугун оламга
 Мард йигитлар борликларидан.
 Йўлларига гул қилиб сочай
 Қалбимдаги шодликларимдан.

Юрт таянчи — комил йигитлар,
 Ҳар ким бўлса шундайин бўлсин.
 Эзгу ишга доим шай туриб,
 Ўз юртининг зийнати бўлсин.

Орзулари осмонлар қадар,
 Кўзи чақноқ юлдуз йигитлар.
 Постда хушёр эл қўриқлаган
 Аскар кеча-кундуз йигитлар.

НАЙЛАЙИН

Халқона оҳангда

Сочмаса хуш атрини мушки анбарни найлайин,
 Етмаса бизга ўшал беҳуда гулни найлайин.

Қўнмаса ишқ боғига жон булбулини найлайин,
 Куймаса жону таним жону жаҳонни найлайин.

Шеърни шер қувлаб юрур, йўлда саргардон, найлайин,
 Ўлмаган ёлғиз бошимиз, ўзни тополмам, найлайин.

Дард ниҳон, безовта руҳ исён қилоди, найлайин,
 Энди ман кимга бориб, арзимни кимга айтайин.

Сўзларим тингламай кетди, ул юроди найлайин,
 Куйганимни кўрмай кетди қаро кўзлар, найлайин.

Ман ўшал дилхастаман ширин забона, найлайин,
 Сан ўшал дилхастасан оромижона, найлайин.

Сан кетарсан ул томон, воҳ, ман қоларман, найлайн,
Икки дил йиғлаб юрур ҳар икки йўлда, найлайн.

Қўнмаса ишқ боғига жон булбулини найлайн,
Куймаса жону таним жону жаҳонни найлайн.

ТИЛИ БОЛ ҚИЗЛАР

“Тез ёрдам”да тили бол қизлар,
Даволанинг, опа сиз, дерлар.
Бир-биридан ўтган шаддодлар,
Оғритмайди игнамиз, дерлар.

Сиз томон тез борамиз, дейсиз,
Дардингизни оламиз, дейсиз.
Қон босимин ўлчаб, жилмайиб,
Жуда яхши, опажон, дейсиз.

Ширин-шакар сўзларингиздан
Юрагимга чўнг қувват олдим.
Дори эмас, оқ кўнглингиздан
Дилга кўчган дармонни олдим.

Кўз ўнгимдан кетмагайсизлар,
Наргиза-ю, Дилафрўз қизлар.
Эл дуосин олган Чинозда,
Жонга дармон ҳамшира қизлар.

МУНДАРИЖА

Мустақиллик бошингда офтоб	3
Бир фарзанд мисоли	4
Ватан меҳри	4
Бурч	5
Ватан	6
Онам ёдга тушар	7
Унутмоқ мушкул	8
Дустингиз бўлай	9
Куй сеҳри	10
Ишоп	10
Сизни деб	11
Юрагимда қолганим	12
Коинот	12
Шеъриятга	13
Умр баҳори	14
Маслаҳат	14
Гул хаёли	15
Боғбоним	16
Тўйлар бўлсин	16
Эзгулик йўли	17
Ишонмас эдинг	18
Табассум қил	18
Сабр бер	19
Яхшилик	20
Устозларимга	21
Битта отаң	22
Шоир ва булбул	23
Қизгинам	24
Умр	24
Тарк этма	25
Она юрт	26
Ўхшашлик	26
Авайлаб	27
Ўзбек қизиман	28
Ўгит	29
Сени кўрдим	30

Иложсизлик	30
Най навоси	31
Дунёга келдим	32
Соҳиби даврон ўшал	33
Ёшлар қўшиғи	34
Ҳикмат	34
Ёлғиз қушим	35
Онажонинг нимчаси	36
Оловли йўл	37
Ният	37
Ярашмас	38
Хафа бўлма	39
Ошиқ қилган	39
Қўнғил қўшиғи	40
Умр ўтиб кетди-ё	41
Иродам	42
Фалак	43
Мен бир гул	44
Шукрона	44
Лайлак	45
Сабоқ	46
Ишқ	46
Кел сабо	47
Мисли гул	48
Умид боғи	48
Шукр қил	49
Беморинг ўзим	50
Ҳолат	50
Топганига барака берсин	51
Ялқовлардан	51
Йигитлар	52
Найлайин	52
Тили бол қизлар	53

1500 сўм.

Адабий-бадиий нашр

КАРИМАХОН ЙЎЛДОШЕВА

ЮРАГИМДА ҚОЛГАНИМ

Шеърлар

Муҳаррир

Феруза ҚУВОНОВА

Бадиий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Компьютерда саҳифаловчи

Феруза БОТИРОВА

Босишга 25.10.2013 й да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 1,75. Шартли босма тобоғи 2,94.

Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb».

Адади 1000 нусха. Буюртма № 80.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89;

Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru